

"Ўзкимёсаноат" АЖ ва "Sinoma EC International Investment Co. Ltd" ўртасида келишув имзоланди

// 12 июн 2025 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-va-sinoma-ec-international-investment-co-l>



Жорий йилнинг 12-июн куни “Ўзкимёсаноат” АЖ тизим корхоналари учун муқобил электр энергия билан таъминлаш ва ишлаб чиқариладиган товар маҳсулотларни таннархини пасайтириш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг “Sinoma EC International Investment Co. Ltd” компанияси билан музокаралар ўтказилди.



Музокаралар натижасида икки томон ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишув имзоланди.



Маълумот учун: “Sinoma EC International Investment Co. Ltd” — 1987-йилда ташкил этилган,

капиталлашуви 600 миллиард АҚШ доллари ва 2000 нафар ишчига эга бўлган компания. У асосан саноат корхоналарининг чиқиндиларидан ишлатилган иссиқликни қайта ишлаш (WHR), шунингдек, биомасса, геотермал ва қуёш энергиясига асосланган электр станциялари қуриш билан шуғулланади.



Компаниянинг портфелида дунё бўйлаб 1000 дан ортиқ лойиҳалар мавжуд.



Мазкур келишув “Ўзбекистон-2030” стратегиясига мувофиқ, саноатда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.



"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати